

**ЁШЛАР ФАОЛИЯТИДА ЭХТИЁЖ ВА МАНФААТЛАР УЙГУНЛИГИНИ
ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Нигора Юлдашева,
магистрант, Фарғона давлат университети, Ўзбекистон, Фарғона ш.

Аннотация:

Инсон эҳтиёжларини умумназарий таҳлил этиш уларнинг табиий ва ижтимоий кўринишлари уларни табиий-ижтимоий турларга бўлинишидан қатъи назар, дихотомик чегараланишга асосланади. Бундай таҳлилда турлича моддий ва маънавий эҳтиёжлар ижтимоий эҳтиёжлар бўлиб кўзга ташланиши, буларга иқтисодий, ахлоқий, интеллектуал, эстетик, сиёсий ва бошқа эҳтиёжлар киритилиши мумкин. Бироқ ижтимоий эҳтиёжлар махсус социологик назария даражасида олиб қаралганда эса, ўзининг иқтисодий, ахлоқий, эстетик турларидан фарқланувчи «махсус ижтимоий» эҳтиёжлар тарикасида ҳам тавсифланиши ўз-ўзидан равшан.

Калит сўзлар: фаолият, ёшлар, эҳтиёж, манфаат, адолат, жамият.

КИРИШ

Эҳтиёж ва манфаатдорлик ёки манфаат тушунчалари кенг қамровли бўлиб, улар кишиларнинг физиологик эҳтиёжини қондиришдан тортиб, то уларнинг ижтимоий эҳтиёжларигача бўлган шаклланиш ҳамда ривожланиш босқичларини ўз ичига олади. Бу ижтимоий эҳтиёжлар маълум бир даврда ишлаб чиқариш усулининг келиб чиқишига сабаб бўлган бўлса, бошқа бир даврда эса, ижтимоий-сиёсий, маънавий эҳтиёж кўринишида намоён бўлади. Жамият аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида тарихий жараённинг йўналишини белгилайди. Эҳтиёж қандай шаклда ривожланмасин, муайян бир халқ ёки миллат менталитетининг туб илдизларини, уларнинг умуммиллий манфаатларини ўзида ифода этади. Эҳтиёж ва манфаатлар категориясининг мазмун-моҳиятини, ижтимоий аҳамияти тадқиқодчи олимлар томонидан ўрганилмоқда. Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичи «миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» деган эзгу ғоя асосида олиб борилаётганлиги жамиятда ўзгаришлар, ислохотлар жараёнидан дарак беради. Демократия ва ижтимоий адолатга асосланган инсонпарвар етук жамият қуришда, ушбу жараёнда юксак мақсадларга эришиш асосида ёшлар меҳнат фаолиятини тўғри ва самарали ташкил қилиш бугунги кунда долзарб вазифалардан бирига айланди. “Мамлакатимизнинг замонавий ва жозибадор қиёфасини, Янги Ўзбекистонни барпо этиш ватандошларимизнинг асосий мақсад-муддаосига айланди”. Бугунги ислохотлар даврида ёшлар сиёсати бевосита уларнинг эҳтиёж ва манфаатларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилмоқда. Жамиятдаги туб сифатий ўзгаришлар, ижтимоий тараққиёт янгича тафаккурни шаклланишига туртки бўлмоқда. Айнан ушбу жараёнларга ўтиш жамиятнинг ёшлар қатламидан бошланишини айтиб ўтиш зарур.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ёшларни ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш, уларни манфаатларини, эҳтиёжларини таъминлаш жамият тараққиёти, эркин ва фаровон ҳаёт, янгиланишлар ва янгича тарафаккур билан ўзаро боғлиқдир. Инсоннинг фаровон ҳаёти унинг фидокорона меҳнати билан боғлиқ. Янгича тафаккур, бугунги янгиланишлар инсонга катта имкониятларни яратмоқда. “Одам ҳаётда фаровонликка эришиш учун ўзгаришларни англаб яшаши керак. Чунки тараққиётга турғун фикрлар эмас, янгиланишлар ҳизмат қилади”. Инсон дунёқарашини шаклланиши унинг жамиятда фаоллиги, янгиликка интилувчанлиги, ва ўзига бўлган ишонч орқали амалга ошади. Бу ўз навбатида манфаатдорлик, ҳар-бир инсонни бирор иш қилишга, эҳтиёжларини қондиришга бўлган ҳисси орқали уни ҳаракатга ундайди. Жамиятда ёшлар билан боғлиқ бўлмаган, уларнинг ҳаётига кирмаган соҳа йўқ. Ёшлар эҳтиёж ва манфаатларини ўрганиш зарурати ёшлар билан самимий мулоқот жараёнини ташкил этиш, уларни муаммоларини эшитиш, ўрганиш, ёшлар билан очиқ гаплашишни талаб этади. Давлат раҳбари Ш.Мирзиёев айтганларидек: «Инсон мафаатларини таъминлаш учун эса, аввало, одамлар билан, халқ билан мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини яхши билиш керак». Ушбу вазифаларни амалга оширишда биринчи навбатда инсон манфаатлари кузатиб борилади ва ўрганилади. Мазкур тадқиқот ишининг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда эҳтиёж ва манфаатлар категориясининг мазмун-моҳияти, луғатларда тарифланишини тадқиқ этиш, ҳамда олимларнинг изланишлари асосида ижтимоий аҳамиятини кўрсатиб бериш мақсад қилинди.

Кишилиқ даврини ҳамма даврларида ҳам меҳнат - табиат ва жамият ҳаётини ўзгартирувчи реал куч, инсон шаклланиши ва прогрессив ривожланишининг асосий шарт-шароити, унинг ҳаёт фаолиятининг маркази, ҳамда кишиларни ўзаро ижтимоий муносабатларини ташкил қилишнинг энг муҳим асоси бўлиб келган. Маълумки, эҳтиёж-субъектнинг объектив зарурати бўлиб ўз ҳаётий фаолиятини қўллаб қувватлаш учун ниманидир заруриятини ҳис этиш, ижтимоий фаоллик манбаи ҳисобланади. Инсон эҳтиёжларини унинг мақсад ва қарашлари натижасида ўз ўзини фаоллаштириш, бошқаларнинг ва ўз-ўзига ҳурмат эҳтиёжи, муҳаббат ва мансубликка эҳтиёж, хавфсизликка эҳтиёж тарзида кузатилади. Инсон манфаатлари йиллар давомида шаклланиб, жамият ва халқ манфаатлари билан биргаликда намоён бўлади. Бу жараёнда ҳар бир инсон жамиятнинг моҳияти, тузилиши, ривожланиш қонуниятлари ва босқичлари, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати, уларнинг аҳамияти, ислохотларнинг зарурлиги, халқнинг фаолият, мақсад ва вазифалари тўғрисида тасаввурга эга бўлиш, уларни кузатиб бориш ва тегишли хулоса чиқариш лозим. Ёшларнинг реал эҳтиёжларини ўрганиш, қизиқишларини баҳолаш ҳам уларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришда муҳим омил ҳисобланади. Ёшлар кундалиқ ҳаётида китоб мутолааси маданияти, глобаллашув шароитида ахборотдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатнинг янги қонунчилигида ёшларнинг жамият тараққиёти истиқболи асоси сифатида эътироф этилиши, шунингдек, ёшлар ташкилотлари ривож учун имкониятларнинг яратилиши, ёшларнинг замонавий кадрлар силсиласини яратиш мақсади, ёшлар интеллектуал салоҳиятининг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришини

таъминлаш, ёшлар ичидан янги мулкдорлар қатламининг вужудга келиши каби долзарб йўналишлар муҳим аҳамият касб этади. «Дунёдаги ривожланган, демократик мамлакатларда ёшлар ташкилотлари дабдабали, баландпарвоз тадбирлар ўтказиш эмас, балки ёшлар билан бевосита ишлаш, улар билан амалий мулоқот қилиш, уларни ўйлантираётган ҳаётий муаммоларни ҳал этишга асосий эътиборни қаратади». Кўплаб бошқа ижтимоий-сиёсий масалалар каби давлатнинг ёшлар сиёсати тамойиллари ҳам демократик ривожланиш йўлини танлаган республикамиз раҳбари томонидан илмий-назарий жиҳатдан ишлаб берилмоқда. Ўзбекистонда ёшлар манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар мазмуни қуйидаги йўналишларда ривожланди:

- жамиятнинг янги тараққиёт босқичида инсоний қадриятлар ва миллий анъаналарга асосланган кўп асрлик тажриба ва амалиётдан фойдаланиш;
- ёшларни муҳофаза қилиш фаолиятида уларнинг ижтимоий ҳимояси муаммоларини устун қўйиш, ёшларнинг янги демократик жамиятга интеграциялашуви жараёнларини қўллаб-қувватлаш;
- ёшлар сиёсати масалаларини ишлаб чиқишда умумбашарий ва миллий қадриятлар уйғунлигига эришиш, бутун жаҳон тажрибасида мавжуд бўлган илғор ғоя ва нормалардан унумли фойдаланиш.

Ёшлар муаммолари кўп қиррали жараён бўлиб, унинг ранг-баранг томонларига давлат томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, сўнгги йилларда ёшларга қаратилган сиёсатнинг янги йўналишлари шакллантирилди, янги давр моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уларнинг илмий-назарий асослари демократик жамият тамойиллари асосида қайта яратилди, улар ечимини топиш усуллари давлат раҳбари томонидан белгилаб берилди.

Ёшлар кундалик ҳаётида уларнинг мақсад ва вазифалари, кизиқиш ва келажак режалари, шахсий салоҳият ва давлат томонидан яратилаётган шароитлар, ёшлар сиёсати ва унинг амалиёти билан боғлиқ вазият ҳар икки томон учун ҳам – ёшлар сиёсатини амалга ошираётган давлат тизимлари учун ҳам, ёшлар сиёсати қаратилган ёшлар ташкилотлари ва ёшлар ижтимоий қатлами учун ҳам ўзига хос тарихий масъулият юклайди.

ХУЛОСА

Хулоса қилганда, эҳтиёж ва манфаат категориясини ахлоқшунослик, ижтимоий фалсафа, сиёсатшунослик, иқтисодий назария каби фанлар ўрганади. Ушбу тушунчаларнинг умумий жиҳатлари, шаклланиши, ривожланиши ва қонуниятлари ижтимоий фалсафа фанида кенг таҳлил этилади. Қолаверса, ёшлар эҳтиёж ва манфаатлари томон интилишида, манфаатларни англашда онг, дунёқарашнинг юқорлиги муҳим роль ўйнайди. Ушбу масалалар мунтазам ва тизимли шаклда ташкил этилса, ижобий ўзгаришлар содир бўлишини кузатиш мумкин. Энг муҳими ёшлар билан мулоқот олиб бориш, уларни ҳаёти, турмуши, меҳнатини яқиндан ўрганиш, уларга етарли шароит ва имкониятлар яратиш бериш, ижтимоий ва илмий-ижодий фаолиятларини юксалтиришга эътибор қаратиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. “Янги Ўзбекистон стратегияси” Тошкент. 2021. –Б 6.
2. Эргашев И. Фалсафий мулоҳазалар // “Жамият ва бошқарув” 2009. №4. –Б 21.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз Тошкент.: Ўзбекистон. -2017. 1-жилд, -Б.114.
4. Ф.Юлдашев. Ахборотлашган жамиятда эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлиги (ёшлар фаолияти мисолида) 09.00.04-Ижтимоий фалсафа ихтисослигида фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Афтореферати. Фарғона 2022. Б-13.
5. Боротов, А., & Каримова, Г. (2023). КОНСТИТУЦИЯ И ЗАКОНОДАТЕЛЬНЫЙ АКТ. *Вестник Ошского государственного университета. Право*, (1 (2), 1–5. [https://doi.org/10.52754/16948661_2023_1\(2\)_1](https://doi.org/10.52754/16948661_2023_1(2)_1)
6. Karimova, G. (2018). IMPLEMENTATION OF THE EDUCATIONAL PROCESS WITH THE INTERACTIVE METHODOLOGICAL COMPLEX. *Теория и практика современной науки*, (2 (32)), 3-5.
7. Mahpuza, A., & Rahmatjonzoda, A. (2022). THE USE OF MODERN PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN MATHEMATICS LESSONS IN ELEMENTARY SCHOOL. *European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies*, 2(11), 213-217.
8. Ахмедбекова, М. К., & Дадажоновна, М. Ё. (2022). Мутахассисни Касбий Тайёрлаш Жараёнини Моделлаштириш. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(10-2), 183-194.
9. Qahhorovna, A. M. (2023). МАКТАВГАЧА ТА’ЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАСВИРИЙ FAOLIYAT MASHGULOTLARINI TASHKIL ETISH TEXNOLOGIYALARI. *IQRO*, 2(2), 553-561.
10. Ахмедбекова, М. (2023). ОИЛА ТАРБИЯСИ ВА УНИНГ ПЕДАГОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *Research Focus*, 2(3), 164-168.
11. Ahmedbekova, M. (2022). THE IMPORTANCE AND SIGNIFICANCE OF THE DEVELOPED ARTISTIC AND AESTHETIC CREATIVITY OF THE YOUNG GENERATION AND FINE ARTS IN SOCIETY. *Science and Innovation*, 1(8), 112-119.
12. Salieva, N., & Saliev, U. (2021). Women In Medicine-Gender Aspects. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(05), 292-295.
13. Салиева, Н., & Салиев, У. (2023). Сущность и содержание педагогической деонтологии. *Общество и инновации*, 4(1/5), 110-112.
14. Saliev, U. (2021). The Beginning Of A New Era In The Study Of The History Of World War Ii In Uzbekistan. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(05), 286-291.
15. Солиев, У. А. (2021). Неоценимый вклад Узбекистана в победу в Великой Отечественной войне. *Молодой ученый*, (17), 325-328.
16. Мадумарова, М. Д., & Исроилова, С. М. (2018). Некоторые аспекты обучения русскому языку в национальных группах. *Достижения науки и образования*, (16 (38)), 54-55.
17. Исроилова, С. М. (2023). Использование графических органайзеров в эффективном изучении русского языка. *IQRO*, 2(2), 626-628.

18. Юлдашев, Ф. (2023). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТДА ЭҲТИЁЖ ВА МАНФААТЛАРНИНГ ЎЗАРО УЙҒУНЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences.*, 3(7), 120-126.
19. Юлдашев, Ф. А. (2023). ГАРМОНИЯ ПОТРЕБНОСТЕЙ И ИНТЕРЕСОВ В ИНФОРМАЦИОННОМ ОБЩЕСТВЕ (НА ПРИМЕРЕ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МОЛОДЕЖИ). *SCIENTIFIC ASPECTS AND TRENDS IN THE FIELD OF SCIENTIFIC RESEARCH*, 1(9), 130-135.
20. Yuldashev, F. (2023). Theoretical and Methodological Basis for Studying the Needs and Advantages in Youth Activities. *Indonesian Journal of Cultural and Community Development*, 14(1), 10-21070.
21. Abdurakhmanovich, F. Y. (2022). SOCIO-PHILOSOPHICAL ASPECTS OF THE STUDY OF THE NEEDS AND INTERESTS OF YOUNG PEOPLE.
22. Юлдашев, Ф. А. (2022). АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ ШАРОИТИДА ИНСОН ЭҲТИЁЖ ВА МАНФААТЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. *Research Focus*, 1(1), 295-302.
23. Yuldashev, F. A. (2021). LIFE SAFETY AS AN IMPORTANT PROBLEM OF SOCIAL PHILOSOPHY. In *КОМПЛЕКСНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ТЕХНОСФЕРНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ* (pp. 402-406).
24. Юлдашев, Ф. А. (2021). ЁШЛАР ФАОЛИЯТИДА ЭҲТИЁЖ ВА МАНФААТЛАР УЙҒУНЛИГИНИ АКЦИОЛОГИК ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 471-478.
25. Норматова, Д. (2023). ТАСАВВУФ ҒОЯЛАРИНИНГ ЁЙИЛИШИ ВА УЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-АҲЛОҚИЙ АҲАМИЯТИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 33, 332-336.
26. Норматова, Д. (2022). ДИН ФАЛСАФАСИДА ИНСОН ВА УНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ. *Research Focus*, 1(2), 289-295.
27. Усмонов, А. (2022). ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОЙ-МОДДИЙ АҲВОЛИ (1930-1980 ЙИЛЛАР). *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(6), 270-275.
28. Usmonov, A. (2023). NOMODDIY MADANIY MEROS VA UNI MUHOFAZA QILISH MASALALARI. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 14, 325-330.
29. Usmonov, A. (2023). MORAL AND SPIRITUAL EDUCATION. *EPRA International Journal of Research and Development (IJRD)*, 8(8), 198-202.
30. Norinov, M., Ergashev, A., & Normatov, E. (2023). MASOFAVIY TA'LIMDA QIDIRUV TIZIMLARI. *Gospodarka i Innowacje.*, 40, 119-125.
31. Muhammadyunus, N., & Axrorbek, E. (2023). BO'LAJAK MUHANDISLARDA KASBIY KOMPETENTLIKNI SHAKLLANTIRISHNING INNOVATSION JIHATLARI. *European Journal of Interdisciplinary Research and Development*, 18, 144-149.